КИНОЯВИЙ НАСР ТАДҚИҚИ

М.Шералиева. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. – Тошкент, “Академнашр”. – 2016.- 224 б.

Маълумки, киноя сўнгги давр жаҳон адабий-бадиий тафаккурида устувор аҳамият касб этиб, постмодернистик адабиётда етакчилик мақомини эгаллади. Шу жиҳатдан 70–80-йиллар ўзбек насридаги кинояни илмий-назарий таҳлил объектига айлантириш ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги учун долзарб саналади. М.Шералиеванинг “Ҳозирги ўзбек насрида киноя” номли монографияси аҳамияти киноя масаласининг ўзбек адабиётшунослигида илк бор махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилгани билан белгиланади.

Монографиянинг биринчи боби киноя га оид назарий қарашлар ва унинг ижтимоий-психологик омилларини тадқиқ этишга бағишланган. М.Шералиева бу борада Атоуллоҳ Ҳусайнийдан бошлаб Аристотель, М.Бахтин, А.Пропп, Г.Поспелов, А. Бочаров, В.Хализев, В.Тюпа, Б.Дземидок каби назариётчи олимларнинг фикрларига таянади. Тадқиқотчининг назариётчи олимлар фикрларидаги аккорд нуқталарни ажратиб олиши унинг мавзу ичида фаол “яшаётгани”дан далолат беради. Л. Мирская ва В.Пигулевскийларнинг “... киноя ҳукм устидан ҳукмдир”, Ортега-и-Гассетнинг “Нафақат комик мазмундаги асарлар, балки умуман санъатнинг ўзи ҳам киноявийлашиб бормоқда” каби фикрларининг келтирилиши ана шундай нуқталардандир. “70-80-йиллар ўзбек насридаги киноянинг ижтимоий-психологик асослари” деб номланган иккинчи фаслида ўтган асрнинг 70-80-йилларидаги ижтимоий-сиёсий муҳит мавзудан келиб чиқиб таҳлил этилган. Таҳлил асносида шўролар жамияти, унинг “турғунлик йиллари” деб номланган давридаги жамият аъзоларининг кайфияти ва руҳиятига хос хусусиятлар таҳлили эътиборга молик. Бу пайтдаги ёш ўзбек зиёлилари ва ижодкорларининг ижтимоий фикри ва ижодидаги ўзгаришлар омиллари далиллаб берилган. Жамиятдаги мавжуд ҳолатдан қониқмаслик ёш адиблар ижодида киноявийликнинг пайдо бўлиши, кучайишига олиб келгани асослаб берилган.

Тадқиқотнинг яхши режалаштирилиши муваффақиятнинг асоси экани ушбу монография мисолида яна бир бор ўз тасдиғини топган. Ҳар бир бобдан кейин хулосаларнинг келтирилиши ҳам диққатга сазовор. Хулосаларнинг пишиқ ва пухталиги тадқиқотчининг илмда айтмоқчи бўл-

ган муҳим гапи борлигидан, уни муаллифнинг ўзи яхши англаганидан далолатдир.

Монографиянинг иккинчи боби “Романтик дунёқараш трансформациясида киноянинг ўрни” деб номланади. Унинг биринчи фаслида М.Муҳаммад Дўст ижоди мисолида романтик мотивлар трансформацияси масаласи қўйилади. Ёзувчининг “Қайдасан, қувонч садоси?”, “Бир тойчоқнинг хуни”, “Дашту далаларда”, “Учинчи симфония” ҳикоялари ва “Галатепага қайтиш” қиссаси таҳлилга тортилади. Бобнинг иккинчи фаслида Эркин Аъзамнинг “Баҳор”, “Баҳорни қувиб”, “Чол бўлиб уйғонсак”, “Совуқ”, “Анойининг жайдари олмаси” ҳикоялари, “Отойининг туғилган йили” қиссаси таҳлил қилинади. Бунда муаллифнинг сарказм ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор. Учинчи параграфда Аҳмад Аъзамнинг “Кичик илмий ходим Ҳамдамов”, “Алмисоқдан қолган Карим”, “Ноинсоф Мусо”, “Одамнинг оласи” ҳикоялари мавзу доирасида таҳлил қилинади. Тадқиқотчи юқоридаги ҳикоялардаги киноянинг ўрни борасида жуда қизиқарли хулосаларга келади.

Уч фасл ва хулосалардан ташкил топган “Давр қиссаларидаги ижтимоий-психологик типлар ва уларга киноявий муносабат” деб номланган учинчи бобнинг биринчи фаслида М.Муҳаммад Дўстнинг “Галатепага қайтиш” ва “Истеъфо” қиссаларидаги киноя масаласи атрофлича таҳлил қилинади. “Истеъфо”даги Бинафшахон ва Эломонов образлари борасида қуйидагича тўғри хулоса қилинади: “Асарда киноянинг икки хил хусусияти – маънавий-ахлоқий нуқтаи назарни ифодалаш ҳамда муаллиф дунёқараши ва руҳиятидаги зиддиятни юзага чиқариш хусусияти намоён бўлади” (109-бет). “Қаҳрамон муаллиф позициясига эстетик аналогия сифатида” деб номланган иккинчи фасл бадиий асар теран таҳлил қилинган энг яхши фасллардандир. Чунки унда ёзувчининг “Отойининг туғилган йили” ва “Жавоб” қиссалари бир-бири билан ва Хайриддин Султоновнинг “Қоғоз гуллар” ҳикояси билан қиёсий таҳлил қилинади. Бобнинг учинчи фаслида Аҳмад Аъзамнинг “Асқартоғ томонларда” қиссаси тадқиқ этилган. Қиёсий таҳлил ҳамма вақт илмийликни кучайтиради. Шу билан бирга тадқиқотчининг ўз фикрларини далиллаш ва тасдиқлаш учун келтирган мисоллари ҳам илмий ишнинг қувватини оширган. Бу ўринда Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедияси ҳақида Г.Г.Маркес томонидан айтилган фикр, “Ошкора қотиллик қиссаси”даги ҳолат ва Ш.Раҳмон мисрасининг келтирилишини назарда тутяпмиз.

“Киноянинг бадиий асар структурасини белгилашдаги аҳамияти” деб номланган сўнгги тўртинчи бобда М.Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романидаги киноявийлик атрофлича таҳлил қилинади. Тадқиқотчи айтмоқчи бўлган фикрларини дунё ва ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидидаги асарлар, уларда берилган фикрлар билан асослаб беради ва шунинг учун ҳам эътирозга жуда кам ўрин қолдиради. Ортега-и-Гассет, Нортроп Фрай, В.Тюпа, Шестаков, М.Бахтин, Б.Успенский, И.Мананников, У.Норматов, И.Ғафуров, Ҳ.Болтабоев, Ҳ.Дўстмуҳаммад, А.Отабоев, Р.Қўчқор каби адабиётшунос олимлар ва танқидчилар шулар жумласидандир. “Лолазор”ни таҳлил қилишда ўтмиш ва замона билан диалог ифодаси, асар яратилган вақт, унда тасвирланган давр ҳамда воқеалар ҳикоя қилинган вақтнинг ўзаро муносабати ҳақидаги фикрлар, роман Н.Сафаровнинг “Узоқни кўзлаган қиз” қиссаси ва О.Ёқубовнинг “Диёнат” романи билан алоқадорликда таҳлил қилингани, “Узоқни кўзлаган қиз” қиссаси М.Муҳаммад Дўст учун интертекстуал манба бўлиб хизмат қилгани ҳақидаги фикрлар жуда қизиқарли ва ишонарли.

Мазкур бобда “Лолазор” романи ва умуман М. Муҳаммад Дўст ижодига муносабат масаласи ҳам кўрилган. Муаллиф Н.Худойберганов ва А.Отабоев каби танқидчилар фикрларига қарши чиқиб, ўзининг мазкур ва аввалги боблардаги қарашларини ҳимоя қилган. Шу билан бирга, юқоридаги танқидчиларни романдаги киноями тушунмаганликда айблаши, романнинг барча фазилати фақат киноя билан боғлиқ деган фикрни қатъий ҳимоя қилиши тадқиқотчининг мавзу ва таҳлилга тортилган асарларга ҳаддан зиёд меҳр қўйганлиги билан боғлиқ бўлса керак.

Монографиянинг хулосалар қисми тадқиқотнинг асосий мазмунидан келиб чиқадиган фикрларни пишиқ ва пухта ифодалаб берган. Шу ўринда ишнинг услуби, тадқиқотнинг тили ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Иш ниҳоятда текис ва равон илмий услубда ёзилган.

Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам ва Аҳмад Аъзам асарлари ўз даврида адабий жамоатчилик учун воқеа бўлгани маълум. Эндиликда муҳими, улар асарларини истиқлол даври адабиёти ва адабиётшунослиги эришган ютуқлар асосида янгича талқин этишдан иборат. М.Шералиева бугунги адабиётшуносликнинг истеъдодли вакиласи сифатида кўринди. Унинг киноя масаласига бағишланган монографияси бугунги адабиётшунослик илмига қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

Ҳалимжон КАРИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент